

## **ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада темир йўл корхоналарида активлар ҳолати ва уларнинг ҳаракатини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш билан боғлиқ жиҳатлар ёритилган. Темир йўл транспорт корхоналарида активларнинг кирими, чиқими ва эскиришини бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ҳисобга олиш ҳамда ҳисботларда қайд қилиш билан боғлиқ жиҳатларни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлаш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Annotation:** The article covers aspects related to the state of assets and their movement in railway enterprises based on international standards of financial reporting. Proposals and recommendations are given to ensure compliance with international standards of financial reporting of aspects related to timely accounting and recording of assets in railway transport enterprises in accounting and reporting.

**Таянч сўзлар:** иқтисодий ресурс, актив, жорий актив, узоқ муддатли актив, бошлангич қиймат ва эскириш қиймати.

**Keywords:** economic resource, asset, current asset, long-term asset, initial value and depreciation value.

### **Кириш**

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида иқтисодиётнинг қон томири бўлган темир йўл корхоналари фаолиятини ривожлантириш, хизматлар бозорида унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда инновацион йўналишларини амалга ошириш ва уни такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Темир йўл корхоналарини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш масаласи катта аҳамиятга эга бўлиб, бунда активлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бухгалтерия ҳисботларини тўғри юритилиши ва уни такомиллаштириш жуда муҳим деб ҳисблаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон фармонига [1] мавофиқ ҳамда иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида қабул қилинган эди.

Ушбу фармонларга мувофиқ, республикамида активларни хусусийлаштиришда давлат иштирокини камайтириб, мулқдорлар сонини кўпайишига йўл очиш мақсадида ижобий ишлар олиб бориляпти. Шу мақсадларга асосан республикамида активларни хусусийлаштиришда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган ўн йилда 1,2 триллион сўмлик давлат активлари сотилган бўлса, 2022 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 11,3 триллион сўмга етган. Яъни, сўнгги бир йилда ўн йил давомида қилинган ишлардан 10 карра кўп натижага эришилган.

Шу жумладан, темир йўл корхоналарида олиб борилаётган трансформация ва ислоҳотлар натижасида соҳанинг йўналишларидан бири бўлган носоҳавий обьектларни тизимдан чиқариш масаласи бўйича ишлаб чиқилган қарор лойиҳасига асосан жами 13 та носоҳавий корхоналар жамият активларидан чиқарилади. Темир йўл корхоналарида активлар ҳисобини халқаро стандартлар ҳамда бухгалтерия ҳисобини халқаро

принципларга мувофиқ меъёрий-хукуқий хужжатларни янги нормалар асосида тартибга солишини такомиллаштириш борасида анча ишлар олиб бориляпти.

Қолаверса темир йўл корхоналарини янада замонавийлаштириш ҳамда такомиллаштириш борасида соҳанинг энг илғор давлатлари билан ҳамкорликлар олиб бориляпти, жумладан:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан Германиянинг “DB Engineering & Consulting GmbH” консалтинг компаниясининг мутахассислари билан биргаликда жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли 2030 йилгача ривожланиш стратегиялари ҳамда молиявий барқарорлигини ва операцион самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳалари ишлаб чиқилди. Стратегия қўйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва темир йўл транспорти ҳаракатдаги таркибларини янгилаш, соҳавий ва носоҳавий активларнинг юритилиш ҳисобини назорат қилиш, моддий ва номоддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш дастурининг муҳим омилларидан бўлган тезюарар поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш;
- транспортнинг яхлитлигини, мустақиллигини, ижтимоий-иктисодий ўсишини таъминлаш ва фуқароларнинг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондириш сифатли, қулай ва барқарор транспорт тизимини шакллантириш;
- темир йўл транспортини ҳалқаро транспорт йўлаклари тизимиға қўшилиши асосида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг транзит салоҳиятини ошириш;
- умумий транспорт ҳаражатларини камайтириш, шу жумладан, темир йўл транспорти фаолияти орқали самарадорлигини ошириш;
- ташиб сифати ва хавфсизлик даражасини темир йўл транспортининг техник ва технологик ривожланиши асосида аҳоли ва иқтисодиёт талабларига ҳамда жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш;
- темир йўл транспортининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш.

Кўплаб иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва ҳалқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек корхона ва ташкилотларда иқтисодчи ҳамда ҳисоб-китоб ишлари билан боғлиқ ходимларни молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари билан алоқадор соҳа мутахассисларини МХХС бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадлари назарда тутилган:

Республикамизда шу масалаларни илгари сурган ҳалда кўплаб қонунлар ва фармонлар қабул қилинди, шулар жумласидан 13.04.2016 йилдаги УРҚ-404-сон Қонун билан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” [2] Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди, унинг янги таҳрири тасқидланди. Ушбу қабул қилинган қонуннинг 10-моддасига мувофиқ “Бухгалтерия ҳисоби субъектларига молиявий ҳисботларнинг ҳалқаро стандартларини (МХХС) кўллаш ҳукуки тақдим этилди”.

Бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ меъёрий-хукуқий хужжатларини янги нормалар асосида тартибга солишини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” қарори [3] қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар ўз ҳисботларини молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқ тақдим этиши белгиланган.

Ҳозирги кунда ривожланиш стратегияси жамиятнинг энг йирик акциядориларидан бири томонидан МХХС асосида активлар ҳисобини тўғри юритилишини янада такомиллаштириш режалаштирилган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада индукция ва дедукция, монографик кузатиши, таҳлил, синтез ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

### Адабиётлар таҳлили

Дунё бўйлаб иқтисодиёт жадаллик билан ўзгариб бораётган бир даврда жаҳонда ва мамлакатимиздаги ўзгаришларни назарга тутсак корхона ва ташкилотлар МХХСга ўтиш ҳамда активлар ҳисобини МХХС асосида ташкил этишнинг замонавий даражадаги тамойилларини акс эттирувчи янги ҳисоблар жадвалини жорий этишни талаб қиласди.

Темир йўл корхоналари фаолиятининг иқтисодий жараёнлари ва компания тўғрисида тўлиқ, ишончли маълумотларни шакллантириш, қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, активлар ҳисобини юритилиши, мулкнинг мавжудлиги ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиши, солиқ тўловларини тўғри ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш ҳисоб китобини такомилаштириш мақсадида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда.

Активлар ҳисобининг ўзига хос жихатлари бўйича ҳалқаро ва республикамиз иқтисодчи олимлар томонидан активлар ҳисобини тўғри юритилишини ташкил этилишини ҳамда ҳалқаро андозаларида активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тамойиллари бўйича иқтисодчи олимлар илмий изланишлар ва тадқиқотларни олиб боришган, жумладан:

Актив [4] – (лотинча *activus* - ҳаракатчан) сўзининг луғавий маъноси:

1) ташкилотнинг ҳар қандай мулки: машина ва ускуналар, бинолар, банк омонатлари ва қимматли қоғозларга сармоялар, патентлар;

2)корхонанинг моддий ва номоддий қийматларини акс эттирувчи бухгалтерлик баланси қисми (гудвилл); ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига мувофиқ гурухлаштирилган воситаларнинг таркиби, жойлаштирилиши ва фойдаланилишини тавсифлайди;

3) баъзи баланс турларида даромадларнинг ҳаражатлардан ошиши (тўлов баланси ва х.к.).

МХХС мувофиқ “Активлар - бу ўтган воқеалар натижасида компания томонидан назорат қилинадиган ҳамда келажакда иқтисодий фойда олиши мумкин бўлган ресурслар” [5]

Профессор Е.С. Денисенконинг таъкидлашича, активлар – бу “Ташкилотга тегишли мулк ёки пул қийматига эга бўлган, ўтган воқеалар натижасида даромад ва бошқа иқтисодий манфаатлар келтира оладиган ресурслардир” [6]

Профессор Ю.Н. Воробёв фикрича “Активлар бу - иқтисодий категория белгиланган мақсадларга эришиш учун молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган корхона ресурсларидир”. [7]

Профессор фикрига кўра, Р.М. Нуриевнинг “Корхонанинг активлари - бу ўз эгасига пул тушумларини тақдим этадиган маблағлар ҳамда тўғридан-тўғри тўловлар (фойда, дивидендлар, ижара ва бошқалар) ҳамда корхона, кўчмас мулк, акциялар ва бошқалар қийматини ошириш учун яширин тўловлардир” [8]

Иқтисодчи олим И.А. Бланк фикрига кўра “Активлар иқтисодий ресурсларни ифодалайди ҳамда корхоналарнинг жами иқтисодий мулк шаклидаги фаолиятдан фойда олиш мақсадида фойдаланиладиган қимматбаҳо буюмлардир[9].

В.Е. Керимов фикрича корхона активлари бу - корхонанинг ишлаб чиқаришдаги, ҳамда муомаладаги ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги сифатида белгиланади активлариридир [10].

Е.А.Игнатиеванинг таъкидлашича, баъзи бухгалтерия қоидаларида "активлар" атамаси "мулк" атамаси ўрнига ишлатилади [11].

Бизнинг фикримизча, активлар – бу ўтган воқеалар натижасида ташкилот ўзи томонидан ёки ходимлари ёрдами натижасида назорат қилинадиган иқтисодий ресурслар ва бу микдорий асосга эга ресурсларни санаш, вазнини ўлчаш ҳамда корхона балансида ҳисобга олинадиган жами мол-мулклардир. Таъкидлаш жоизки, маҳаллий ва хорижий

иқтисодчи олимлар асарларида “корхона активлари” ҳисоби ҳар томонлама ўрганилмаган. Бундан ташқари, ҳар бир муаллиф ўз талқинида ўзи энг муҳим деб ҳисоблаган муҳим хусусиятларни акс эттиради. Шу муносабат билан “корхона активлари” туркумини ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклига эга бўлган мавҳум тушунча сифатида талқин қилиш мумкин.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда ташкилот ва корхоналар активларни тўғри ҳисоб-китоби, қолаверса ўзига хос жиҳатларини халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолаш, таснифлаш ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш мақсадга мувофиқ.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Темир йўл корхоналарида активларни ҳисобга олишда ҳамда молиявий ҳисоботларда тўғри юритилишини назорат қилиш лозим. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни тузишда активлар асосан хорижий инвесторлар улуши ёки кредиторлардан қарз эвазига кирим қилинади.

Корхона активлари бухгалтерия ҳисобида энг қўп ишлатиладиган атамаларидан бўлиб, бухгалтерия балансини тузишда ёки компания мулкини ҳисобга олишда активлар тушунчасиз қилиш қийин.

Бу эса, активлардан тўғри фойдаланиш, унинг самарадорлигини ошириш, қолаверса корхона барқарорлигини таъминлашни талаб қиласди.

Молиявий жиҳатдан соғлом компанияда активлар миқдори ҳар доим ўз капитали ва мажбуриятлари миқдорига teng бўлади.

Корхона активларининг таркиби, тузилиши ва қийматининг ўзгаришини ўрганиш корхона нинг мулкий ва молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий йўналишларидан биридир.

Бундан ташқари, корхона активлари динамикаси одатда диққат марказида бўлади. Масалан, активларни кўпайтиришда активларнинг ўсиш суръати ҳисоблаб чиқилади ва уларнинг даромад, харажатлар ва фойданинг ўзгариш тезлигига мувофиқлиги текширилади.

Шундай қилиб, баланс активлари уларнинг ликвидлик даражасига кўра гуруҳларга бўлинади, ташкилотнинг умумий активларида алоҳида турдаги активларнинг улуши ҳисоблаб чиқилади ва уларнинг таркиби, шунингдек, активларнинг сифати аниқланади.

Бу шуни англатадики, компанияда маълум миқдордаги соғ активлар мавжуд — бу акциядорларга тегишли бўлган ва корхона тугатилган тақдирда уларнинг "кўлида" қоладиган нарсалар. Шунинг учун корхонада молиявий бошқарув самарали бўлиши учун корхона активларининг моҳиятини аниқ тушуниш, уларнинг асосий турлари ўртасидаги туб фарқларни билиш керак. Бундан ташқари, корхонада активлар қандай ҳаракатланиши, бошқача айтганда, уларнинг айланиши қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш муҳимдир. Буларнинг барчаси хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига, унинг бозордаги мавқеига, кредитга лаёқатлилиги ва рақобатбардошлигига бевосита таъсир кўрсатадиган активларни бошқариш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига холис ва оқилона ёндашиш имконини беради.


Корхона фаолияти турларига ва хизмат кўрсатиш хусусиятига кўра активлар икки турга бўлинади – (операцион ва инвестиция).

1. “Асосий активлар - бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат (операцион) фаолиятида операцион фойда олиш учун бевосита фойдаланиладиган мулкий қийматлар мажмуи”. Корхонанинг эксплуатация фондларига қуидагилар киради: «Ишлаб чиқариш асосий фондлари; операцион жараёнга хизмат қилувчи номоддий активлар; айланма активлар (уларнинг жами қисқа муддатли молиявий инвестициялар бундан мустасно)”

2. “Инвестиция активлари мулкий қийматларнинг умумийлигини тавсифлайди, инвестиция фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ корхоналар ва бу корхонанинг инвестиция активлари таркибига қуидагилар киради: тугалланмаган капитал қўйилмалар; ўрнатиш учун

мұлжалланған усқуналар; узок муддатли молиявий инвестициялар; қисқа муддатли молиявий инвестиациялардир»

Активлар хизмат қилиш муддатига қараб узок муддатли (айланмадан ташқари) ва жорий (қисқа муддатли) активлар сифатида таснифланади ҳамда уларнинг таркиби 1-расмда келтириб ўтилган.



**1-расм. Темир йўл корхоналарида активларнинг таркибий тузилиши.**  
Муаллиф ишланмаси.

1-расмда активларнинг иқтисодий моҳияти ҳамда хизмат қилиш муддатларига қараб узоқ муддатли ва жорий активларга туркумлаш ҳамда таркибий қисимларга кенгайтирилган ҳолда таснифлаш тартиби келтирилган.

Ҳар қандай корхона ва ташкилот ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун активларни самарали бошқаришни амалга оширишга мажбур.

Халқаро стандартларда активлар, миллий стандартлардан кескин фарқланади ва бундай жиҳатлар 1-жадвалда келтирилган.

**Темир йўл корхоналарида активларнинг МХХС ва БХМС бўйича ўзаро фарқли жиҳатлари**

<b>МХХС</b>	<b>БХМС</b>	<b>Фарқли жиҳатлари</b>
<b>Узоқ муддатли активлар бўлими</b>		
Айланмадан ташқари активлар	Узоқ муддатли активлар	Номланиши фарқланса-да, лекин маъноси бир хил
Асосий воситалар	Асосий воситалар	Бир хил
Инвестицион мулк	Асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади	Ижарадан даромад олиш мақсадида ёки капиталнинг қиймати ошиши учун ёки иккаласи учун эгалик қилинаётган мулк
Биологик активлар	Асосий воситалар таркибида қисман ҳисобга олинади	БХМСда мавжуд эмас
Номоддий активлар	Номоддий активлар	Бир хил
Гудвилл	БХМСда номоддий активлар сифатида қаралади	
Фойдаланиш хуқуки кўринишидаги актив	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	Бир хил
Уюшмавий компаниялар ва қўшма корхоналарга инвестициялар	Узоқ муддатли инвестициялар таркибида қисман ҳисобга олинади	БХМСда мавжуд эмас
Асосий воситалар таркибига киритилади	Ўрнатиладиган асосий воситалар	МХХСда мавжуд эмас
	Капитал қўйилмалар	МХХСда мавжуд эмас
Кечиктирилган солик активлари	БХМСда мавжуд эмас	
<b>Жорий активлар</b>		
Захиралар	Товар-моддий захиралар	Захиралар активда “Шубҳали қарзлар бўйича захиралар”, хусусий капиталда “Захира капитали” ва мажбуриятларда “Баҳоланганд захира” деб номланиши билан фарқланади.
Савдолар бўйича дебитор қарздорлик	Дебиторлик қарзлар	Бир хил
Шартнома бўйича активлар	Дебиторлик қарзларда қисман ҳисобга олинади	БХМСда мавжуд эмас
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	Пул маблағлари	Бир хил

Ушбу жадвалда узоқ муддатли активларни ва жорий активлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот билан темир йўл корхоналари балансидаги моддалардан фарқланиши келтирилган.

Темир йўл корхоналарида пул қийматига эга бўлган ва ишлаб чиқариш ёки хизмат кўrsatiш фаолияти давомида даромад келтирадиган мулки, яъни активлари, буларнинг барчасини корхонанинг мулки ва баланс ҳисоботида акс эттириш лозим.

Консолидация даражаси бўйича активларни қуидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1. "Индивидуал активлар – бу хўжалик юритишининг ягона, минимал тафсилотли обьекти бўлган мулкий қийматларнинг бир тури.

Буларга кассадаги нақд пул, корхона томонидан сотиб олинган алоҳида улуш ва номоддий активларнинг ўзига хос турлар киради»

2. "Активлар гурухи бир хил принциплар асосида ташкил этилган ва ягона молиявий сиёсатга бўйсунадиган комплекс функционал бошқарув обьекти бўлган мулкий қийматларнинг бир қисмини тавсифлайди"

3. «Корхона активларининг умумий мажмуи уларнинг корхона томонидан фойдаланиладиган умумий таркибини тавсифлайди. Корхона активларининг бундай тўплами "яхлит мулкий комплекс" атамаси билан тавсифланади, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг тўлиқ циклига эга бўлган активларни баҳолаш ва уларни бошқариш комплексида амалга ошириладиган иқтисодий обьект сифатида тавсифланади. »

Ликвидлик даражасига кўра корхонанинг активлари қуйидаги турларга бўлинади:

1. "Корхонанинг мулкий қийматини тавсифловчи, сотилиши шарт бўлмаган ва тайёр тўлов воситаси бўлган мутлақо ликвид шаклдаги активлар"

2. "Жорий молиявий мажбуриятлар бўйича ўз вақтида тўловларни таъминлаш мақсадида жорий бозор қийматида сезиларли йўқотишларсиз тез (одатда бир ой ичида) пулга айлантирилиши мумкин бўлган корхонанинг мулкий қийматлари гурухини тавсифловчи юқори ликвидли активлар.

3. Корхонанинг бир ойдан олти ойгача бўлган муддатда жорий бозор қийматини сезиларли даражада йўқотмасдан нақд пулга айлантирилиши мумкин бўлган мулкий қийматлар гурухини тавсифловчи ўрта ликвидли активлар.

4. Корхонанинг мулкий қийматлари гурухини ифодаловчи паст ликвидли активлар, улар фақат сезиларли вақтдан кейин (олти ой ва ундан кўпроқ) жорий бозор қийматини йўқотмасдан нақд пулга айлантирилиши мумкин.

5. Мулкнинг айрим турларини тавсифловчи ликвид - активлар мустақил равища амалга ошириб бўлмайдиган корхона қадриятлари.

Корхонага нисбатан активларнинг жойлашишига кўра қуйидагиларни ажратиши мумкин:

1. "Мулк қийматларини тавсифловчи ички активлар бевосита унинг худудида жойлашган корхоналар"

2. Транзитдаги ташки активлар - корхонанинг унга тегишли бўлган мулкий қийматини тавсифлайди, лекин аслида улар унинг худудида жойлашган эмас. Улар ё ўз манзилига жўнатилади (масалан, банкка, агар пул маблағлари кассадан чиқиб кетган бўлса-да, лекин ҳали жорий ҳисоб рақамига тушмаган бўлса) ёки корхонага (агар маблағлар бўлса, банк ҳисобварағидан дебетланган, лекин касса ҳали қабул килмаган бўлса).

3. Сақлашда сақланадиган ташки активлар - корхонанинг унга тегишли бўлган мулкий қийматини тавсифлайди, лекин аслида улар бошқа шахслар ихтиёрида бўлади (масалан, изараға ёки лизингга берилган мулк).

Темир йўл корхоналари фаолиятида активлар ҳисобини самарали ташкил этишда ракамлаштириш ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали корхоналар фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ўз вақтида бартараф этиш имконияти юзага келади.

Корхоналарда активларнинг таснифини батафсил кўриб чиқамиз.

Биринчи таснифлаш хусусияти - фаолият кўрсатиш шаклига кўра - моддий, номоддий ва молиявий каби актив турларини ажратиши имконини беради.

1. "Моддий активлар корхонанинг моддий шаклга эга бўлган мулкий қийматини тавсифлайди.

Компаниянинг моддий бойликларига қуйидагилар киради:

- Асосий воситалар;
- тугалланаётган қурилиш;

- ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар;
- хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш захиралари;
- кам баҳоли ва эскирган буюмлар захиралари;
- тугалланмаган ишлар ҳажми;
- сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот захиралари;
- моддий бойликларнинг бошқа турлари”

2. “Номоддий активлар корхонанинг моддий кўринишга эга бўлмаган, аммо хўжалик фаолиятида иштирок этувчи ва фойда келтирадиган мулкий қийматини тавсифлайди”

3. Молиявий активлар, улар «корхонага тегишли бўлган пул маблағлари, пул ва молиявий воситалар кўринишидаги корхонанинг мулкий қийматини тавсифлайди.

Компаниянинг асосий молиявий активларига қуидагилар киради:

- миллий валютадаги пул активлари;
- чет эл валютасидаги пул активлари;
- барча шакллардаги дебиторлик қарзлари;
- қисқа муддатли молиявий инвеститсиялар;
- узоқ муддатли молиявий инвеститсиялар”

Шундай қилиб, корхона активлари турларининг батафсил таснифига асосланиб, биз ушбу иқтисодий категориянинг жуда кўп қиррали эканлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Бундан ташқари, юқоридаги таснифни мукаммал ва шубҳасиз деб айтиш мумкин емас, чунки унинг баъзи

позитсияларига рози бўлмаслик мумкин ва агар активларни қўриб чиқишига турли нуқтаи назардан ёндашсангиз, бу таснифни янада тўлдириш ва ривожлантириш мумкин.

Бундан ташқари, корхона активлари қандай ҳаракатланиши, молиявий ҳисбот халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг ўзига хос жихатлари ва активларни бошқариш сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга ошириш жараёнига холис ва оқилона ёндашиш имконини беради.

Шунингдек, бу технологиялардан бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши, бу соҳа учун жуда катта афзалликларни беради деб ишонч билан айтишимиз мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қиласидан бўлсак, бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари активларни ҳисобга олишнинг концептуал асосини белгилайди. Шунинг учун корхоналарда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва унга амал қилишда мазкур тамойиллар талабини бажариш мухим аҳамиятга эга.

1. Активни хизмат муддатига қараб узоқ муддатли ва жорий активларга бўлиниши орқали улар бир-биридан кескин фарқланади, яъни узоқ муддатли активларнинг кирими, эскириши, қайта баҳоланиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши бўйича ҳисботда акс эттирилади.

2. Темир йўл корхоналарида узоқ муддатли активлар сифатида, жорий активлар сифатида товар моддий захиралар, дебиторлик қарзлар, пул маблағлари, сотиш учун мўлжалланган активларни ўз ичига олади.

3. Активлар молиявий ҳисботда акс этириш учун унинг қийматини ичончли баҳолаш мумкин бўлсагина акс этирилади ҳамда корхона молиявий ҳисботида таҳминий кўрсаткичларда фойдаланишга тўғри келади.

4. Активларни тўғри юритиш ҳамда МҲҲС асосида ҳисоб китобини ишончли олиб бориш мақсанида шундай тизимни яратиш ва жорий қилиш ҳамда тизим ёрдамида активлар маълумотларини электрон тарзда юритиш орқали ягона носоҳавий активлар реестрини шакллантириш, активлар устида автоматлаштирилган амалиётларни бажариш орқали активларни бошқарувидаги ва тасарруфдаги корхоналар мутахассисларининг активлар ҳисобини юритиш ва тегишли ҳисботларни шакллантиришга сарфланадиган вактни 50% га қисқартириш, активлар ҳисобини юритиш сифатини ошириш, обьектлар тўғрисидаги маълумотларни доимий янгиланиши, сотилган обьектлар бўйича

тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни юритиш ҳамда активлар устида бажариладиган амалиётларни тўлиқ мониторинг қилиб бориш

5. Темир йўл корхоналарида носоҳавий активлар ва фойдаланилмаётган, бўш турган обьектларни рўйхатга олиш маълумотларини ва уларни баҳолашдан тортиб сотув амалиётгача бўлган барча маълумотларини юритиш, активларнинг турли хил шакллардаги ҳисботларини яратиш, кўчмас мулк обьектлари паспортларини шакллантириш ва турли хил диаграммалар орқали активлар статистикасини юритиш ҳамда мониторинг қилишга хизмат қиласди.

Мисол учун асосий воситаларни беш йил муддатга фойдаланишга қабул қилинса, уни яна қўшимча муддатга фойдаланишни таққозо этади, бу эса асосий воситалардан фойдаланиш даврини тўғри аниқланмасдан вужудга келадиган камчиликлар ва бу камчиликлар натижасида асосий воситаларнинг эскириши хато ҳисбланади, шу сабабли активларни молиявий ҳисботда ишончли баҳолангандага актив сифатида акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.10.2020 йилдаги ПФ- 6096-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5068824>

2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири (13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404 сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори.

4. Иқтисодий атамалар луғати (Dictionary of economic terms)  
[www.bizplan.uz/theory/dictionary](http://www.bizplan.uz/theory/dictionary)

5. Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русском языке.-М: “АСКЕРИ-АССА”, 2016.

6. Денисенко Е.С. Экономическая сущность понятия «Активы» и их классификация. Актуальные вопросы экономических наук. 2015. № 44. С. 105- 111.

7. Воробьев Ю.Н. Финансовый менеджмент: учебное пособие / Ю.Н. Воробьев. – Симферополь: Таврия, 2007. – 632 с.

8. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: 3-е изд., испр. и доп. - М.: 2014. — 624

9. Бланк И.А. Управление финансовыми ресурсами: учебник / И.А. Бланк. - М.: Омега-Л, ООО «Эльга», 2011. – 768 с.

10.Керимов В.Е. Бухгалтерский учет [Accounting] Moscow, Ексмо Публ., 2006, 688 п.

11.Игнатьева Е.А. О соотношении понятий “актив”, “собственность”, “имущество” в российском праве Вестник Волгоградского государственного университета – Буллетин офф Волгоград Стате Университай, 2011, но. 2, pp. 204–208.

#### **Фойдаланилган интернет сайтлари:**

1. <https://www.ifrs.com>
2. <https://lex.uz/>
3. <https://imv.uz/>
4. <http://xarid.mf.uz/>
5. <https://railway.uz/ru/>